



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 20 октябрь, чоршанба

№ 84 (11.679)

Эркин нархда сотилади

Тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17-18 октябрь кунлари Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» (МОХ) ташкилотига аъзо давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.

Таъкидламоқ ҳозирки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов иштирок этган мазкур саммит МОХ ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганини, фаолияти янги мазмун билан бойий бошлаганини кўрсатди. МОХ сафи янада кенгайди — Россия Федерацияси унга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб қолди. Президент Ислам Каримов таъбири билан айтганда, «Россиянинг МОХга аъзо бўлиши табиий ва қонуний жараёндир». Негаки «Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик бўлишидан Россия манфаатдор».

Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида 2002 йил 28 февралда имзоланган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага, Ўзбекистоннинг ташаббуси билан, Россия Федерациясининг қўшилишига оид қарор қабул қилинди.

Ислам Каримов минтақамизда Россия ўз манфаатлариغا эга эканини алоҳида таъкидлади. Бинобарин, Россиянинг қўшилиши МОХнинг салоҳияти ва имкониятларини янада оширади, фаолиятини янги мазмун билан бойитиши.

Маълумки, ташкилот аъзолари анча вақтдан буюн Марказий Осиё минтақасида сув-энергетика, озиқ-овқат ва транспорт консорциумларига оид концепцияларни муҳокама этиб келади. Душанбе саммитида минтақа мамлакатлари мазкур соҳаларда бир-бири билан узвий боғлангани таъкидланди. Ягона консорциумларнинг тузилиши муайян соҳаларда энг камҳарж, энг қўлай савдо-сотиқни йўлга қўйиш имконини беради. Энергетика таъминотидаги ўзилашлар ва транспорт қатновидати англашилмовчиликларнинг олди олиниди.

Иқтисодиётга оид жиноятларга қарши курашда ҳам консорциумларнинг аҳамияти катта бўлишига шубҳа йўқ. Зеро, ноқонуний савдога ўрин қолмайди, божхона қоидаларининг бузилишига йўл қўйилмайди. Яна бир аҳамиятли томони шуки, бундай консорциумларни ташкил этишда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки каби нуфузли халқаро молия муассасалари ҳам қатнашиш истагини билдирмоқда. Президентлар консорциумлар тузиш концепцияларини атрофлича муҳокама қилиб, аъзо мамлакатлар ҳукуматларига бир ойда тегишли битимлар лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасини топширишга қарор қилди.

Мазкур уч консорциум Президент Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш ташаббусининг мантаний самарасидир. Саммит қатнашчилари умумий бозорни шакллантириш концепцияси лойиҳасини тасдиқладилар.

Президентлар иқтисодий соҳадаги алоқалар юзасидан фикр алмашар экан, ишбилармон доиралар вакилларининг анжуманидан дориллаштирилган натижаларни ҳаётга кенгрок таъбиқ этишга доир масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Ишбилармонларнинг бевосита мулоқотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бориш зарурлиги қайд этилди.

Президент Ислам Каримов шу йилнинг сентябрида Остонада ўтган МДХ саммитида террорчилик ва экстремистик ташкилотлар ҳамда уларнинг раҳбарларининг рўйхатини тузиш, шу тарика ҳар бир аъзо мамлакатда

бундай ташкилотларни тақиклаш ташаббусини илгари сурган ва бу ташаббус Хандўстликка аъзо мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланган эди. Душанбе саммитида бу масала яна бир бор қўриб чиқилди. Жумладан, Президент В.Путин Россия Ўзбекистоннинг бу борадаги дадил қадамларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни алоҳида таъкидлади.

Бу тақлифнинг долзарблигини эътиборга олиб, Душанбе саммитида ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматларга террорчилик ҳамда экстремистик ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари ва аъзоларининг рўйхатини тузиш топширилди. Президентлар МДХнинг бошқа аъзоларини ҳам шундай йўл тутишга даъват этдилар.

Террорчиликнинг усуллари тобора мураккаблашмоқда, бу иллат наркотик моддалар ва қўрол-яроғ контрабандаси, диний экстремизм ва уюшган жиноятчилик билан ҳамбарчас боғлиқ. Дунёда юз бераётган воқеалар хавфсизлиқни таъминлаш масаласи гоят жиддий тус олаётганини ва бу муаммони фақат ҳамкорликда ҳаракат қилиш билан бартараф этиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Музокаралар чоғида президентлар бу борада яқдил эканлигини таъкидладилар. Марказий Осиёда барқарорлик ва тинчликнинг муштакам таъминлигини муайян даражада Афғонистондаги вазиятга ҳам боғлиқ. «Афғонистонда тинчлик ўрнатилмас экан, Марказий Осиёда хотиржамлик бўлмайди», — деди Ислам Каримов. — Афғонистон минтақамизнинг нафақат географик, маданий-тарихий, балки геостратегик жиҳатдан ҳам муҳим бўлагидир. Шу боис ушбу мамлакатнинг ташкилотимизга аъзо бўлиш учун интилаётгани мантқан тўғридир».

Шу жиҳатдан қараганда Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида Афғонистон вице-президенти Хидоят Амин Арсалло кузатувчи сифатида иштирок этгани муҳим аҳамиятга молик. МОХга аъзо давлатлар раҳбарлари Афғонистонни тиклаш ишларида яқиндан ҳамкорлик қилиш ва фаоллиқни ошириш ҳақида фикрлашдилар. Бунда расмий Қобул вакилининг бевоқиф қатнашиши ҳар томонлама фойдали бўлди.

Музокаралар якунида МОХ ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Қўшма баёни қабул қилинди.

Матбуот анжуманида президентлар қўрилган барча масалалар юзасидан фикрлар бир жойдан чиқганини, музокаралар очиклик ва самимий руҳда ўтганини таъкидладилар. МОХ долзарб ва мураккаб муаммоларни ечаётганлиги, бу эса унинг нуфузли минтақавий ҳамкорлик ташкилотига айланганидан далолат эканлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Тожикистон раҳбари Имомали Раҳмонов билан учрашди. Сўхбат икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик масалаларига бағишланди. Президентлар МОХ фаолиятини такомиллаштиришга оид масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Россия Президенти Владимир Путин билан музокара ўтказди. Мулоқот чоғида турли соҳалардаги Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Ислам Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар икки ва кўп томонлама асосда изчил ривожланиётганидан мамнунийти билдирдилар. Сўхбат чоғида МОХ доирасидаги интеграция жараёнларини ривожлантириш ва умуминтақавий муносабатларни янада фаоллаштиришда Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Анвар БОБОВЕВ,

ЎЗА махсус мухбири.

Тошкент-Душанбе-Тошкент.

• Пахта — 2004

Вилоят пахта штабининг навбатдаги йилгилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратураси, ички ишлар ва адлия бошқармалари, «Кучлик» ва «Пахта» нефть маҳсулотлари унитар корхоналари, кишлоқ ва сув ҳўжалиги мажмуи ва кирувчи бошқарма ва ташкилотларнинг раҳбарлари, вилоят шахр ва туманлари ҳокимлари иштирок этдилар.

Йилгилиши вилоят ҳокими Козим Тўлаганов бошқарди.

Штаб аъзолари йилгилишда туман ва шахар ҳокимларининг пахта йилги-теримининг бориши, уюшмаган аҳолини теримга жалб этиш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборот-

ларини тинглаб, муҳокама қилдилар.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мавсумга олдиндан пухта тайёргарлик қўрилган ва оммавий сафарбарлик таъминланаётган туманларда йилги-терим ишлари самарали бўлапти. Масалан, Чиноз тумани бугунги кунга шартнома мажбуриятини 108,50 фоиз қилиб бажарган бўлса, Бўқа, Юқори-чирчиқ, Оққўрғон туманлари-

да йиллик режага нисбатан қарийб 85-88 фоиз миқдорда пахта хом ашёси тайёрлашга эришилди.

Бирок жойлардаги бир қатор йирик ҳўжаликлар йилги-теримда сусткашликка йўл қўйиб, вилоятни ҳам орқага тортишмоқда. Хусусан, Бекобод туманидаги «Ўзбекистон», Улугбек номи, Қуйчиқирқ туманидаги «Пахтачи», Беруний номи, Ўртачирчиқ туманидаги Ким

Пен Ха номли, Янгийўл туманидаги «Янги ҳаёт», «Дўстлик» ширкат ҳўжаликлари эндиgina 31-50 фоизга борди. Ушбу туманларнинг раҳбарларига йўл қўйлаётган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, аиниқса, кўл теримида сафарбарлиқни қучайтириш вазифаси топширилди.

Йилгилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Навбатдаги вазифалар белгиланди

Вилоят пахтазорларида йилги-терим ишлари уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етказиб бериш режасини бажарган ширкат ва фермер ҳўжаликлари сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

«Ниезбош»нинг залворли хирмони



Иш биланга минг танга, деб бежиз айтилмаган. «Ниезбош» — нафақат Янгийўл тумани, балки, вилоятда ҳам энг йирик, яъни энг кўп пахта берадиган ҳўжаликлардан бири. Шу боис 3300 тонналик пахта хирмони бор-йўри 20 иш кунинда бунёд этилгани алоҳида таъсирга лойиқдир.

Ҳўжаликнинг 540 оилавий пудратчиси бу йил 1150 гектар майдонда мўл ва эртаки ҳосил етиштирди. Йилги-терим бошланганда эса, ҳеч ким четдан ҳашарчи олмади. Ҳамма пудратчилар фақат ўз оила аъзолари, қариндош-уруғлари, қўни-қўшинлари билан теримга чиқишди. Ҳар кун 2100-2200 киши оқсак унум билан меҳнат қилди. Бош пудратчи Абдуҳалил Рустамов раҳбарлигидаги пудратчилар кўнлик теримда қарвон-бошилиқ қилиб, шартнома

мажбуриятини 8 иш кунинда бажардилар. 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 32 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Шукур Ортиғалиев бошчилигидаги пудратчилар гуруҳи ҳам ҳосилдорлиқни 31 центнердан оширди.

Ҳўжалик бўйича ҳосилдорлик режадаги 27,2 центнер ўрнига биринчи теримнинг ўзидаёқ 29 центнерга етди. Ҳосил мўл бўлгани учун терим қизгин паллага кирганда қўни-йиллик режанинг 7-8 фоиз

миқдориди пахта тайёрлашга эришилди.

Ҳар йили йилги-терим мавсумида иштирокчиларини моддий рағбатлантиришнинг турли усулларидан фойдаланилаётгани сабабли ҳўжаликда шартнома мажбуриятлари доимо ортга қилиб бажарилади. Масалан, бу йил 8 тонна пахта териб берган оилаларга телевизор, 6 тонна терганга 2 та ва 5 тонна терганга 1 та гилам совға қилиш белгиланган. Бундан ташқари, шартнома мажбуриятини биринчи бўлиб бажарган бош пудратчига 500 минг сўм, иккинчи ва учинчи ўринларга эса 300 минг ва 100 минг сўмлик мукофот ажратилган. Энг юқори

ҳосилдорликка эришган уч нафар бош пудратчига ҳам шу сумада мукофот белгиланган.

— Ўтган йилги мавсумда жонбозлик кўрсатган илгорларга 10 та телевизор, 232 та гилам таркатган эдик, — дейди бошқарув раиси Абдуғани Юсупов. — Ҳозирги ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, бу йил камида 30 киши телевизорли, 250 га яқин киши эса гиламли бўлади.

Эътироф этиш керакки, шундай йирик ҳўжаликнинг қисқа муддатда шартнома мажбуриятини бажаришига катта ҳисса қўшганлар ҳар қандай мукофотга лойиқдир. Қолаверса, моддий манфаатдорлик ҳар томонлама мукамал таъминлангани сабабли режа ортиги билан бажарилган бўлса-да, йилги-терим ҳамон қизгин давом этаётгани ҳам моддий манфаатдорлик тўғрисида. Далаларда эса, қалай пахта кўп. Об-ҳаво ҳўлай бўлиб турса, ниезбошликларнинг ҳосилдорлиқни 35 центнерга етказишлари ҳеч гап эмас.

Абдусамат

ЙЎЛДОШЕВ,

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Мўл ҳосил гарови

Вилоят пахтакорлари 25 минг тоннадан ортиқ уруғлик пахта етиштириб, бу борадаги шартнома мажбуриятини бажарди. Ҳосилнинг асосий қисmini маҳаллий шартнома «С-6524» нави ташкил этди.

Вилоят уруғлик пахта хирмонида Чиноз, Бўқа, Оққўрғон, Юқори-чирчиқ туманлари деҳқонлари муносиб улуш қўшишди. Ҳосилнинг ҳаммаси юқори навларга қабул қилинди.

Л. СУВОНОВ,

ЎЗА мухбири.

Қирқ икки фонзи машинада

Оққўрғон туманидаги «Озод» ширкат ҳўжалиги давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини қисқа муддатда бажарди.

Бош пудратчилар Нуриддин Йўлдошев, Неймат Исоқов, Ўқтам Фармонов раҳбарлигидаги гуруҳ пудратчилари ҳосилдорлиқни 32-35 центнерга етказиб, режани 115-105 фоиз қилиб адо этдилар.

Машина теримига алоҳида эътибор берилгани режанинг барвақт бажарилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қабул пунктларига етказиб берилган минг тоннадан зиёд пахтанинг 42 фонзи машиналарда териб олинди.

Оилавий пудратчилар кўл теримида жонбозлик кўрсатдилар. Ўғиллой Ботирова, Шарифа Ақромова, Гулбоҳар Жўраева, Замира Қўчқорова, Гўзал Умарова каби илгорларнинг ҳар бири шу кунгача 3-3,5 тоннадан пахта териб беришди.

Ҳўжалик аъзолари қолган ҳосилни ҳам тезроқ саранжомлаб олиш мақсадида теримни уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: пудратчи Абдуқамол Юсупов (пастдаги суратда, ўртада) илгор теримчилар Гулбоҳар Жўраева ва Хамиджон Аҳмаджоновга пахта теримида кўрсатган ерданлари учун миннатдорчилик билдирмоқда; тарабончи Мухтор Юсупов илгор теримчи Хўришда Ҳўрабеванинг пудратчи Қомиль Йўлдошев даласидан териб чиққан пахтасини қабул қилиб олмақда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Қўрғон ёшлари учун

Оҳангарон шаҳридаги Қўрғон маҳалласи ёшларининг орзулари рўёбга чиқди. Ҳудуддаги 6-умумий ўрта таълим мактабида замонавий спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Эндликда мактаб ўқувчилари ҳамда маҳалла ёшлари қиш кунларида ҳам спортнинг бир неча турлари бўйича мунтазам шугулланиш имкониятига эга бўлдилар. Бунинг учун янги иншоот зарур спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминланган.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар «Биз индамасак, ким индайдим»

Газетанинг шу йил 25 август сониди эълон қилинган «Биз индамасак, ким индайдим» сарлавҳали мақолада Олмалик шахар маданият ишлари бўлими бошлиғи У. Исмаиловнинг ўз мансабини суистеъмол қилиб, шахар маданият уйи биносидан шахсий жой сифатида фойдаланяётгани, бунинг натижасида маданият уйи фаолиятида туғилган қўлайликлар танқид қилинган эди.

Ушбу мақола юзасидан вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Рамзиддин Икромов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда маълум қилинишича мақолада кўрсатиб ўтилган камчилик ва муаммоларни ўрганиш мақсадида 27 август кун иш бошқарма томонидан текшириш ўтказилган. Мақолада келтирилган далиллар ўз тасдиғини топган.

Ушбу масала маданият бошқар-

масининг 7 сентябрдаги кенгашида муҳокама этилган ва Олмалик шахар маданият ишлари бўлими бошлиғи У. Исмаилов ишда йўл қўйган камчиликларни кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, маданият уйидаги мавжуд бошқа камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан ҳам тегишли чора-тадбирлар белгиланган.

Тахририят ушбу масала юзасидан Олмалик шахар ҳокимлигидан ҳам тегишли жавобни кутиб қолади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» - СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

Эслатиб ўтамыз:

Обуна давом этмоқда

• Обуна-2005

Бўқада қизғин борапти

Кундалик турмушимизда замон билан ҳамнафас бўлиш, турли янгиликлар, ахборотлар, ён атрофимиздаги воқеа ва ҳодисалардан бохабар бўлиш учун оммавий ахборот воситаларига эътибор қаратамиз. Жумладан, матбуот нашрларига бўлган маънавий эҳтиёжимиз ортиб боради.

Ҳозир Республика, вилоят ҳамда туман матбуот нашрларига обуна мавсуми бошланди. Шу сабабли сиз матбуот нашрларига бўла обуна бўлсангиз, йил давомида жамиятда юз бераётган иқтисодий-иқтисодий жараёнлар, янгиликлардан бохабар бўлиб борасиз.

Кейинги йиллар мобайнида туманимиз газетхонларининг республика, вилоят, туман ҳамда

хорижий давлатлар матбуот нашрларидан ахборот олишга бўлган эҳтиёжи ортиб бормоқда, — дейди «Тошкент почтаси» Бўқа филиали бошлиғи Абдул-Ҳай Шотемиров. — Шу сабабли бу йилги обуна мавсуми ҳам қизгин тус олмақда. Жумладан, вилоят нашрларига обуначиларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Ҳозир «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига туман марказий шифонаси, санитария-эпидемиология назорати маркази, солиқ инспекцияси ходимлари, шунингдек, алоқа ходимлари 2005 йил учун тула обуна бўлишди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

Глобуслар — экспортга

«Зиё глобус» илмий ишлаб чиқариш биравласи Марказий Осиёда биринчи бўлиб глобус ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Юртимиз эндиликда мураккаб ечимга эга ушбу ўқув-қўргазмалар кўролни ишлаб чиқариш имконига эга йигирманчи мамлакатга айланди.

Глобуслар 1 см.га 500 км. ўлчамда, яъни ер шарининг сиёсий-маъмурий, жўрофий қўриниши элик миллион марта кичайтирилган шаклда бўлиб, ёзувлари лотин алифбосига асосланган ўзбек тилида акс эттирилган. Улар, айниқса, олий ўқув юрлари, касб-ҳўнар коллежлари, академик лицей ва мактабларда тарих, астрономия, физика, география каби фанларда талаба ва ўқувчилар учун жуда қўл келади.

— Бу турдаги маҳсулотни йиллик ишлаб чиқариш қуввати элик минг донани ташкил этади, — деди биравлаша бош директори Дилмурод Исроилов. — Айни пайтда корхонамизда юқори малакали ходимлар кунига беш юзтагача глобус тайёрлаётир. Маҳсулотимиз илмий жиҳатдан жуда аниқ ва пухта ишланган бўлиб, хариталари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Картография» илмий ишлаб чиқариш шўба корхонаси мутахассислари томонидан тайёрланган. Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон, Озарбойжон, Тожикистондаги мижозлар билан маҳсулот экспортни юзасидан шартномалар имзоланди. Корхонада эликдан зиёд янги иш ўрни очилди.

Лазиз РАҲМАТОВ, ЎЗА мухбири.



